

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИКАРИМОВ АЗАМАТ ЭГАМБЕРГАНОВИЧ

**НАНОЎЛЧАМДАГИ ИЗОЛЯЦИЯЛАНГАН ЗАТВОРЛИ ВЕРТИКАЛ
МАЙДОНИЙ ТРАНЗИСТОРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА
ТЕХНОЛОГИК ФЛУКТУАЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Абдикаримов Азамат Эгамберганович

Наноўлчамдаги изоляцияланган затворли вертикал майдоний
транзисторнинг характеристикаларига технологик флуктуацияларнинг
таъсирини моделлаштириш 3

Абдикаримов Азамат Эгамберганович

Моделирование влияния технологических флуктуаций на
характеристики наноразмерного вертикального полевого транзистора с
изолированным затвором..... 19

Abdikarimov Azamat Egamberganovich

Simulation of influence of technological fluctuations to characteristics of
nanometer fin field effect transistors..... 35

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published research works 39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/Т.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИКАРИМОВ АЗАМАТ ЭГАМБЕРГАНОВИЧ

**НАНОЎЛЧАМДАГИ ИЗОЛЯЦИЯЛАНГАН ЗАТВОРЛИ ВЕРТИКАЛ
МАЙДОНИЙ ТРАНЗИСТОРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА
ТЕХНОЛОГИК ФЛУКТУАЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/FM120 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ispm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Ахмед

физика-математика фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Иброҳим Набиевич

физика-математика фанлари доктори

Аюханов Рашид Ахмедович

физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг
Физика-техника институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» май соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Ташкент ш., Янги Олмазор кўчаси, 20-уй, Тел.: (+99871)248-79-94, факс: (+99871)248-79-92, e-mail: info@ispm.uz)

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (24 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» май кuni тарқатилди.
(2021 йил «10» май даги 24 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Б. Утамурадова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор

Ж.Ж. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD

З. Т. Азаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф. д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда наноўлчамдаги вертикал майдоний транзисторлар, электрон техника ускуна ва қурилмаларида, интеграл схемаларда хотира вазифасини бажарувчи асосий элеменлардан бири бўлиб фойдаланилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда эса аҳоли эҳтиёжининг бундай қурилмаларга қўядиган талаблари кундан кунга ортиб бормоқда. Бунда уларнинг функционаллиги, тезкорлиги ва энергия тежамкорлик даражасини ошириш энг муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда замонавий электрон қурилмаларнинг асосий элементлари қаторига биполяр транзисторлар билан бир қаторда изоляцияланган затворли майдоний транзисторлар - МОЯ (металл оксид яримўтказгич) транзисторлар ўлчамларини наномасштабларга етказиш орқали интеграл схемаларнинг интеграция даражасини кескин ошириш ва энергия истеъмолини кескин камайтириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу боис майдоний транзисторлари ўлчамларини наноўлчамларга етказганда юзага келадиган турли деградацион эффектларнинг транзистор характеристикаларига таъсирини очиқ бериш, наноўлчамли вертикал МОЯ транзистор (FinFET, Fin field-effect transistor) геометрик ўлчамлари флуктуацияларининг, тасодифий якка нуқсонларнинг, транзистор электрофизик параметрларига, характеристикаларига, қисқа каналли эффектларга таъсири қонуниятларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимизда илм-фан тараққиёти, хусусан, яримўтказгичли асбоблар физикаси ва электроника соҳасини ривожлантириш борасида давлат стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар белгиланиб бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимиз олимлари томонидан янги яримўтказгич материаллар, улар асосида турли тузилмалар олиш ва уларнинг характеристикаларига ташқи омиллар таъсирини ўрганиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бандида «...илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиёга жорий этишнинг самарали механизмлари...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада турли таъсирларга чидамли янги электрон техника материаллари ва улар асосидаги тузилмаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг параметрларини назорат қилишнинг самарали усуллари яратиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПҚ–4348-сон «Электротехника саноатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ги Қарор ва мазкур соҳа фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликнинг ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хозирги кунгача изоляцияланган затворли вертикал майдоний транзисторлар турли тузилишлари, унинг характеристика ва параметрларига технологик флуктуацияларнинг таъсирини ва қисқа каналли эффектларнинг деградацион таъсирларини ўрганишга боғишланган деярлик барча ишлар қисқа канал эффектларнинг транзистор геометриясига боғлиқлиги, канал шаклининг транзистор турли электрофизик параметрларига таъсирини ўрганиш билан чекланган, аммо транзисторнинг турли қатламлари ўлчамларининг ва канал шаклининг қисқа каналли эффектларга таъсири деярлик ўрганилмаган.

Наноўлчамларда изоляцияланган затворли майдоний транзисторлар характеристикаларини талаб даражасига етказиш учун планар тузилишга эга бўлган транзистор ўрнига янги, вертикал тузилишли, изоляцияланган затворли майдоний транзистор Япониялик олимлар D.Hisamoto, T.Kaga, Y.Kawamoto ва E.Takeda томонидан таклиф қилинган. Аммо бу транзисторда геометрик ўлчамлар камайиши сабабли турли паразит сиғимлар ортиши кузатилади. Затвор ва исток орасидаги паразит сиғимини камайтириш учун АКШ лик олимлар C. Auth ва J. Markoff томонидан янги уч затворли вертикал майдоний транзистор таклиф қилинган. A.G.Lourero ва ходимлари (Испания) томонидан наноўлчамдаги изоляцияланган затворли вертикал майдоний транзисторлар параметрлари ва характеристикалари, жумладан, бўсаға кучланиши, транзистор ёпиқ ва очик ҳолатидаги сток тоқларига технологик флуктуацияларнинг таъсири ўрганилган. Шунингдек, Россиялик олимлар Н.В.Масальский, Ю.А. Чаплыгин, М.А. Королев ва бошқалар томонидан изоляцияланган икки затворли майдоний транзисторларнинг бўсаға кучланишига затвор материалининг таъсири ва электр характеристикаларининг транзистор тузилишига боғлиқлиги ўрганилган. Аммо изоляцияланган уч затворли вертикал майдоний транзисторнинг вольтампер характеристикаларига ва қисқа каналли эффектларга канал шакли, турли қатламлари геометрик ўлчамларининг, диэлектрик қатламида ва

диэлектрик-яримўтказгич чегарасида қамралган якка заряднинг таъсири деярлик ўрганилмаган.

Ўзбекистон олимлари томонидан металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) тузилмалар ва изоляцияланган затворли майдоний транзисторлар характеристикалари ўрганилган. Аммо бу ишларда наноўлчамдаги кўпзатворли вертикал майдоний транзисторлар характеристикалари ва параметрлари ҳамда уларга технологик флуктуацияларнинг, шунингдек, канал шаклининг таъсири ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ №ОТ-Ф2-67 «Диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонлар табиати ва ён томон бўйлаб тақсимотини тадқиқ қилиш усулига янгича ёндашиш» (2017-2020 й.й.); фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади наноўлчамли изолятор устида кремний технологияси асосидаги вертикал майдоний транзисторнинг геометрик ўлчамлари технологик флуктуацияларининг характеристика ва қисқа каналли эффектларга, диэлектрик қатлами ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги зарядланган якка нуқсоннинг телеграф шовқин амплитудасига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

изоляцияланган уч затворли вертикал майдоний транзистор FinFET (Fin field-effect transistor) нинг канали кўндаланг кесимининг шакли турлича бўлган ҳоллари учун транзистор электрофизик параметрларини, яъни транзисторнинг ёпиқ ва очик ҳолатдаги сток тоқлари ва бўсаға кучланишларини таққослаш;

изоляцияланган уч затворли вертикал майдоний транзисторнинг канали кўндаланг кесимининг шакли турли бўлган ҳоллар учун сток томонидан тўсиқ камайиши (DIBL, Drain-induced-barrier lowering) эффекти ва бўсағадан паст ўтиш характеристикаси қиялиги(SS, subthreshold swing)ни таққослаш;

канал кўндаланг кесимининг шакли тўртбурчак, трапеция ва учбурчак бўлган изоляцияланган уч затворли вертикал майдоний транзистор ён томон затворлари қалинлиги ортишининг қисқа каналли эффектларга таъсирини моделлаштириш;

изолятор устида кремний (ИУК) технологияси асосидаги изоляцияланган уч затворли вертикал майдоний транзистор канали кўндаланг кесими тўртбурчак, трапеция ва учбурчак шаклларда бўлган транзисторнинг канал остидаги оксид (BOX, buried oxide layer) қатлами қалинлиги T_{box} ортишининг қисқа каналли эффектларига таъсирини ўрганиш;

ИУК технологияси асосидаги затвор ости оксид қатлами узунлиги ортиши билан изоляцияланган уч затворли вертикал майдоний транзисторда DIBL ва SS нинг ўзгаришини ўрганиш;

ИУК FinFET транзистор канали кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак ва трапеция шаклларда бўлган уч затворли транзисторнинг диэлектрик-яримўтказгич чегарасида қамралган якка зарядланган нуқсоннинг сток токига таъсирини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ИУК технологияси асосидаги вертикал икки ва уч изоляцияланган затворли майдоний транзисторлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ИУК технологияси асосидаги вертикал икки ва уч изоляцияланган затворли майдоний транзисторларда қисқа каналли эффектлар ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида қамралган якка зарядланган нуқсонларнинг сток токига таъсири жараёнларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда электрон жараёнларни компьютерда сонли моделлаштириш ҳамда назарий-аналитик ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган. Транзисторнинг турли қисмларининг сифмларини ва улардаги потенциал тақсимотини аналитик ҳисоблашда электростатика қонунларидан, жумладан акс эттириш усулидан фойдаланилди. 3D моделлаштиришда диффузион-дрейф транспорт модели қўлланилиб, унда яримўтказгичларнинг асосий тенгламалари, яъни ўзаро келишилган Пуассон ва узликсизлик тенгламалари ишлатилган. Заряд ташувчилар транспорти ўрганилганда ҳаракатчанлигининг турли моделлари, жумладан ҳаракатчанликнинг концентрацияга боғлиқлиги ва кучли майдонда тезлигининг тўйинишини эътиборга оладиган моделлар фойдаланилди. Кўрилаётган транзистор ўлчамлари наноўлчамларда бўлганлиги сабабли квант эффектларни эътиборга олиш учун зичлик градиенти квант коррективкаси (Density gradient quantum correction) қўлланилган. Компьютер моделлаштиришда транзистор турли соҳаларидаги потенциал тақсимоти чекли элементлар усули ёрдамида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

затвор узунлиги 25 нм бўлган изолятор устида кремний технологияси асосидаги FinFET транзисторнинг канал кўндаланг кесими турлича шакллари учун DIBL ва SS моделлаштириш орқали биринчи бор таққосланиб, транспорт моделда, квант коррективкаларни эътиборга олган ҳолда, энг катта DIBL ва SS тўғри тўртбурчак кўндаланг кесимли канал шаклга эга бўлган транзисторда аниқланган;

турли канал шаклига эга изолятор устида кремний технологияси асосидаги FinFET транзисторларда канал ости оксид қатламининг қалинлиги T_{box} ортиши билан DIBL ва SS ларнинг ортиши ва T_{box} нинг катта қийматларида тўйиниши аниқланган;

илк бор турли канал шаклига эга изолятор устида кремний технологияси асосидаги FinFET транзисторларида бўсаға кучланиши, DIBL ва SS га затворнинг ён томонга кенгайишининг таъсири моделлаштирилган ҳамда затворни ён томонга 10 нм гача кенгайишида, канал барча шакллари учун бўсаға кучланиши деярли ўзгармаслиги, DIBL ва SS эса 10 % гача камайиши исботланган;

изолятор устида кремний технологияси асосидаги FinFET транзисторларида DIBL ва SSнинг затвор ости оксид қатламининг затвордан ташқаридаги узунлиги L_{goxext} га боғлиқлиги ҳамда $L_{\text{goxext}}=2$ нм гача бўлган қийматларида DIBL ва SSнинг камайиши, ундан катта қийматларда эса ортиши асосланган;

изолятор устида кремний технологияси асосидаги FinFET транзисторларида якка зарядланган нуқсон тўғри тўртбурчак кўндаланг кесимли канал тепаси ўртасида ва трапеция кўндаланг кесимли транзисторда ён томони ўртасида жойлашганда тасодикий телеграф шовқин амплитудаси энг катта бўлиши биричи бор аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

изолятор устида кремний технологияси асосидаги наноўлчамли изоляцияланган затворли вертикал майдоний транзисторда қисқа каналли DIBL эффектининг канал шаклига, канал ости оксид қатлами қалинлигига, затворнинг кенглиги ва затвор ости оксид қатлами узунлигига боғлиқлиги аниқланиб, амалиётда бу транзисторларни турли интеграл схемаларда қўллашда кучли деградацияга учратмайдиган оптимал геометрик ўлчамларини аниқлаш имконини берган;

наноўлчамли изолятор устида кремний технологияси асосидаги изоляцияланган затворли вертикал майдоний транзисторда бўсагадан паст ўтиш вольтампер характеристикасининг қиялиги SS ни транзистор канали шаклига, канал ости оксид қатлами қалинлигига, затворнинг кенглиги ва затвор ости оксид қатлами узунлигига аниқланган боғлиқлари транзисторларни, турли калитли схемаларида қўллашдан олдин, деградацияга учратмайдиган оптимал геометрик ўлчамларини аниқлаш имконини берган;

наноўлчамли изолятор устида кремний технологияси асосидаги FinFET транзисторда, диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги якка нуқсонда қамралган заряднинг сток токига таъсири бўйича олинган натижалари асосида диэлектрик-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонларнинг мавжуд-лигини тасодикий телеграф шовқини амплитудасини ўлчаш орқали экспресс усул билан аниқлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги моделлаштиришда стандарт Technology Computer-Aided Design (TCAD) Sentaurus дастурлардан фойдаланилганлиги ва қўлланилган физик моделлар даврий нашрларда эълон қилинган тажрибалар натижалари асосида калибровка қилинганлиги ҳамда яримўтказгичлар назарий физикасининг тан олинган ёндашувларидан фойдаланилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, наноўлчамдаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги FinFET транзисторларни олиш технологик жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган ўлчамларнинг флуктуацияси ва диэлектрик-яримўтказгич чегарасида ҳосил бўладиган якка нуқсонларнинг транзистор характеристикаларига ва қисқа каналли

эффектларга таъсири тўғрисидаги янги тасаввурларнинг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аниқланган DIBL эффекти ва SS нинг изолятор устида кремний технологияси асосидаги FinFET транзисторнинг турли қисмларининг шакл ва ўлчамларига боғлиқлигидан бу транзисторни олиш технологик жараёнларида оптимал шакл ва ўлчамлар танлашда, топилган тасодифий телеграф шовқин амплитудасининг чегаравий якка зарядланган нуқсон вазиятига боғлиқлигидан диэлектрик-яримўтказгич чегарасини экспресс диагностика қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Наноўлчамдаги изоляцияланган затворли вертикал майдоний транзисторнинг характеристикаларига технологик флуктуацияларнинг таъсирини моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

изолятор устида кремний технологияси асосидаги наноўлчамдаги вертикал майдоний транзисторлар характеристикаларини Technology Computer-Aided Design (TCAD) Sentaurus дастури ёрдамида моделлаштириш натижалари ва квант эффектларини ҳисобга оладиган квант коррективкалар тўғрисидаги илмий хулосаларидан ОТ-Ф-2-28 рақамли «Легирилланган кремний сирти ва ҳажмидаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг р-п тузилмалардаги заряд ташувчилар фотогенерацияси ва рекомбинацияси жараёнларига таъсири» фундаментал лойиҳасида квант ўлчамли эффектларни баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 - декабрдаги 89-03-4169-сон маълумотномаси). Натижада, р-п ўтишдаги ток ташувчилар фотогенерация жараёнларига кристаллдаги квант эффектларининг таъсирини тушунтириш имконини берган;

изолятор устида кремний технологияси асосидаги наноўлчамли FinFET транзисторининг геометрик ўлчам ва шакллари флуктуациясининг транзистор характеристикаларига таъсирини моделлаштириш бўйича олинган натижалар Сантиаго де Компостелла университетининг (Испания) Смарт технологиялар бўйича Сингуляр тадқиқотлар марказида (CITIUS), «Илгарилаган яримўтказгич асбобларни моделлаштириш ва ҳисоблаш воситаларини яратиш: хусусий параметрларни флуктуациясини ўрганиш учун қўллаш» лойиҳасида илгарилаган майдоний транзисторларни моделлаштиришда фойдаланилган (CITIUS маркази Электроника ва компьютёр фанлар бўлими раҳбари маълумотномаси. 2019 йил). Натижада, наноўлчамдаги майдоний транзисторларни, хусусан вертикал майдоний транзисторларнинг характеристикаларига ички параметрлар флуктуацияси таъсирини моделлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Урганч давлат университети ва Лакуила университети (Италия) илмий семинарларида ҳамда илмий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами, диссертация мазмунини тўлиқ акслантирадиган, 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 та хорижий ва 4 та республика илмий журналларида чоп этилган.

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ЭХМда қўлланилиш учун 2та дастурий маҳсулот учун гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни, 58 расм ва 5 жадвални ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мавзусининг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Изоляцияланган затворли майдоний транзисторлар ва уларнинг ривожланиш тенденцияси»** деб номланган биринчи бобида адабиётларда берилган маълумотлар таҳлили асосида планар изоляцияланган затворли майдоний транзисторлар физикаси ҳақида маълумотлар келтирилган. Кўп затворли наноўлчамдаги изоляцияланган затворли майдоний транзисторларни ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар кўриб чиқилган, наноўлчамдаги изоляцияланган затворли майдоний транзисторларни масштаблаштириш муаммолари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳидан келиб чиққан ҳолда мавзунинг долзарблиги асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

«Наноўлчамдаги майдоний транзисторлардаги қисқа каналли эффектлар, тасодифий телеграф шовқин ва уларни моделлаштириш услублари» деб номланган иккинчи бобда қисқа каналли ИУК FinFET транзисторларида сток томонидан тўсиқ пасайиши эффекти тушунчаси таништирилган ва уни ҳисоблаш усули берилган, наноўлчамли ИУК FinFET транзисторларида бўсақадан паст ўтиш характеристикаси қиялигини тавсифи ва уни ҳисоблаш услуби баён қилинган, тасодифий телеграф шовқин амплитудаси тушунчаси, уни моделлаштириш ва ҳисоблаш услуби кўриб ўтилган, майдоний транзисторлар характеристикаларини TCAD Sentaurus дастури ёрдамида моделлаштириш имкониятлари ва моделлаштиришда

қўлланилган транспорт моделлар тафсилоти ва моделни калибровкакаш натижалари келтирилган.

DIBL эффектининг маъноси стокга берилган кучланиш V_d бир бирликка ўзгарганда транзистор босага кучланишининг ўзгаришини билдирадиган катталиқдир, яъни

$$DIBL = \frac{\Delta V_{th}}{\Delta V_d} = \frac{V_{th2}(V_{d2}) - V_{th1}(V_{d1})}{V_{d2} - V_{d1}}$$

бу ерда V_{d1} - сток ва исток соҳалари орасига берилган паст ток кучланиши, V_{d2} - сток ва исток соҳалари орасига берилган юқори ток кучланиши, $V_{th1}(V_{d1})$ - сток ва исток соҳалари орасига берилган паст ток кучланиши V_{d1} га мос ҳолатда олинган ўтиш графигидаги бўсага кучланиши, $V_{th2}(V_{d2})$ - сток ва исток соҳалари орасига берилган юқори ток кучланиши V_{d2} га мос ҳолда олинган ўтиш графигидаги бўсага кучланиши (расм 1).

Диссертация ишида геометрик ўлчам ва шакл флуктуацияларининг бўсагадан паст ўтиш вольтампер характеристикасининг тиклигига таъсири ҳам ўрганилган. Бунинг учун тикликка тескари бўлган катталик SS ўрганилган. SS катталик бўсага кучланишидан паст соҳанинг қиялиги бўлиб, уни ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$SS = \frac{\Delta V_g}{\Delta \lg I_d} = \frac{V_{th} - (V_{th} - 0,2)}{\lg I_{th} - \lg I_{off}} = \frac{0,2}{\lg(\frac{I_{th}}{I_{off}})}, \quad \left[\frac{\text{мВ}}{\text{декада}} \right]$$

бу ерда ΔV_g - транзистор затворидаги кучланиш бўсага кучланиши V_{th} ва транзистор ёпиқ ҳолатига тўғри келадиган затвор кучланиши орасидаги фарқ, I_{th} - бўсага кучланишига тўғри келадиган сток токи, I_{off} - транзистор ёпиқ ҳолатига тўғри келадиган сток токи. Наноўлчамли транзисторларни шакллантириш технологик жараёнларида оксид-яримўтказгич қатламлари чегараларида якка нуқсонлар ҳосил бўлиши ва улар сток токида тасодифий шовқинни ҳосил қилиши мумкин. Диссертация ишида бундай шовқинлар амплитудасининг транзистор геометрик ўлчамлари ва канал шаклининг флуктуациясига боғлиқлиги ҳам моделлаштирилган. Ўлчашларда ТТШ амплитудаси стационар ҳолатда, яъни якка заряд оксиддаги (ёки чегарадаги) нуқсонларда ушланиб турган ҳолатда, қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$ТТШ = \frac{I - I_0}{I_0} = \frac{\Delta I}{I_0},$$

бу ерда I - нуқсонда заряд қамралган ҳолатдаги сток токи, I_0 - оксид қатламида заряд қамралмаган ҳолатдаги сток токи. Диссертация ишида ўрганилаётган майдоний транзисторлар, хусусан, ИУК FinFET транзисторларининг характеристикалари TCAD Sentaurus дастури ёрдамида моделлаштирилган. Ушбу ишда ўрганилаётган транзисторни моделлаштиришда классик диффузион-дрейф транспорт моделидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «FinFET транзисторларида сток томонидан индуцирланган тўсиқ камайиши (DIBL) эффектига транзистор


ўлчамларининг таъсири» деб номланган учинчи бобида FinFET транзисторларида DIBL эффектининг транзистор канал шакли, канал ости оксид қатлам қалинлиги, затвор ён томони қалинлиги, исток ва сток соҳаларини затвор ости оксид қатлам билан қопланиш даражасига боғлиқликлари ўрганилган.

Вертикал транзисторларда юзага келиши мумкин бўлган технологик флуктуацияларнинг бир тури бу кўп затворли транзистор каналнинг тепа қисмининг торайишидир. Бу таъсирни ўрганиш учун затвор узунлиги 25 нм, затвор ости оксид (SiO_2) қатлами қалинлиги 1.5 нм бўлган кремний асосидаги ИУК FinFET транзисторнинг 6 та канал шакли кўрилди. p-тип канал акцептор билан 10^{15} см^{-3} концентрациягача ва n-тип исток/сток соҳалар донорлар билан 10^{20} см^{-3} концентрациягача легирланган ҳоллар олинди. Моделлаштирилаётган кремнийли транзистор канал баландлиги 30 нм ва кенглиги 12 нм ни ташкил қилади. Бизнинг мақсадимиз каналнинг тепа қисми тораймаган асосий транзистор характеристикасини канал тепа қисми кетма-кет торайиб борганда сирт қисми йўқолиб, унинг кўндаланг кесими учбурчак шаклида бўладиган ҳолларгача бўлган транзисторлар характеристикалари билан таққослашдан иборат эди (расм 2). DIBL эффектга канал шаклининг сезиларли таъсири аниқланди ва канални тепа қисмининг торайиши билан ушбу эффектнинг камайиши кузатилди. Диссертация ишида изолятор устидаги кремний технологияси асосида тайёрланган вертикал майдоний транзисторлардаги DIBL эффектга канал остидаги оксид қатламининг қалинлиги T_{box} нинг таъсири ҳам моделлаштирилган. Бунда ҳам каналнинг учта шакли, яъни кўндаланг кесими тўртбурчак, трапеция ва учбурчак шаклида бўлган ҳоллар таққосланган. Моделлаштириш натижаларидан кўриниб турибдики, DIBL эффект нафакат канал шаклига, балки канал ости оксид қатлами қалинлигига ҳам боғлиқ бўлар экан. Паразит сиғимлар, тузилманинг геометрик ўлчамлари ўзгарганда, ўзгариши мумкин. Шу сабабдан DIBL эффектининг тузилма сиғимларига боғлиқлигини аниқлаш мақсадида затвор билан исток орасидаги сиғимнинг канал ости оксид қатлами қалинлигига боғлиқлиги ҳам моделлаштирилди. Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, кўриляётган затвор-исток орасидаги сиғимининг T_{box} га боғлиқлиги, транзистор каналнинг барча шакллари учун, DIBL эффектнинг ўзгариши билан корреляцияга эга.


Диссертация ишида канали турли шаклларда бўлган ИУК FinFET транзистори затворининг ён томонга кенгайиши W_{gext} нинг бўсага кучланиши ва DIBL эффектга таъсири моделлаштирилган. Натижалардан келиб чиқадики энг катта бўсага кучланиши каналнинг кўндаланг кесими учбурчак шаклдаги ҳоли учун кузатилади, ва у учбурчак ва трапецоидал кесимлар учун ўрганилган W_{gext} нинг қийматларида деярлик ўзгармайди.

Бўсага кучланиши каби DIBL эффект ҳам канал кўндаланг кесими шаклига боғлиқ бўлиб, унинг энг кичик қиймати учбурчак ва энг катта қиймати тўғри тўртбурчак кўндаланг кесимли канал шакли учун кузатилади. Барча шаклдаги кесимлар учун W_{gext} ортиши билан DIBL эффект монотон камаяди.

Кузатилаётган V_{th} ва DIBL нинг ўзгаришлари исток (сток) ва затвор орасидаги сиғимларнинг ўзгаришлари билан боғлиқдир.



1-расм. DIBL эффекти, яъни канал узунлиги кичрайиши туфайли тўсиқ баландлигини камайиши.



2-расм. Канал тепасининг кенглиги турлича бўлган моделлаштирилаётган ИУК FinFET транзистори. Кўндаланг кесими шакли тўртбурчакдан (тепа кенглиги максимал бўлган 1-тузилма) учбурчак шаклгача (тепа кенглиги 0 бўлган 6-тузилма).

Транзисторнинг паразит сиғимлари, жумладан затвор ости оксид қатлами узунлигига боғлиқ бўлган исток (сток) ва затвор орасидаги боғланиш сиғими транзистор характеристика ва параметрларига таъсир қилади. Затвор ости оксид қатлами узунлиги L_{goxext} нинг ИУК FinFET даги DIBL эффектига таъсири ҳам ўрганилган.

«Наноўлчамдаги ИУК FinFET транзистор ўтиш характеристикаси ва электрофизик параметрларига транзистор геометриясининг ва чегаравий нуқсоннинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобда ИУК FinFET транзисторининг канал шаклининг электрофизик параметрларга таъсири, ўтиш хатактеристикаси қиялигининг канал ости оксид қатлами қалинлигига боғлиқлиги, затвор ён томони кенгайишининг ИУК FinFET ўтиш характеристикаси қиялигига, затвор ости оксид қатламининг затвор остидан ташқарига узайшининг SS га таъсири ва ИУК FinFET транзисторида тасодифий телеграф шовқин амплитудаси ва унинг канал шаклига боғлиқ-лиги ўрганилган. Канал кўндаланг кесим шакли тўғри тўртбурчак ва трапеция бўлган ИУК FinFET транзистор каналининг юқори ва ён сиртида қамралган якка нуқсоннинг канал бўйлаб турли вазиятларида DIBL эффекти ва SS га таъсири аниқланган. Асосий натижаларни ифодалаш учун юқорида кўрсатилган параметрларини моделлаштириш натижалари канал кўндаланг кесими периметрига ва канал кўндаланг кесими юзасига нормалаштирилган ҳоллари мос равишда 1-жадвал ва 2-жадвалда келтирилган. Юзага

нормаланган I_{on} барча транзисторлар учун деярлик бир хил қийматларда эканлиги кўринади. Периметр бўйича нормаланган I_{on} қиймат-лари эса фарқ қилади. Бу шуни кўрсатадики, шакл ўзгарганда тўйиниш соҳасида токининг ортиши фақат исток (сток) нинг канал билан контакт юза сиртининг ортиши билан боғлиқ.

1-жадвал.

Канал периметрига нормалаштирилган бўсаға кучланиши, ёпиқ ток, очик токи ва бўсағадан паст соҳа қиялиги.

Намуна.	V_{th} (мВ)	$\text{Log}_{10}(I_{off}(\text{А/нм}))$	$\text{Log}_{10}(I_{on}(\text{А/нм}))$	SS (мВ/дек)
1	159	-9.58	-6.53	85.7
2	173	-9.78	-6.55	82.8
3	186	-9.99	-6.58	80.8
4	201	-10.2	-6.63	79.2
5	215	-10.4	-6.68	78.4
6	230	-10.5	-6.75	78.1

2-жадвал.


Канал юзасига нормалаштирилган бўсаға кучланиши, ёпиқ ток, очик токи ва бўсағадан паст соҳа қиялиги.

Намуна.	V_{th} (мВ)	$\text{Log}_{10}(I_{off}(\text{А/нм}^2))$	$\text{Log}_{10}(I_{on}(\text{А/нм}^2))$	SS (мВ/дек)
1	156	-9.90	-6.85	85.5
2	169	-10.1	-6.84	81.9
3	181	-10.2	-6.83	80.6
4	180	-10.4	-6.83	79.2
5	198	-10.5	-6.83	78.3
6	203	-10.6	-6.83	77.9


Диссертация ишида канал шаклининг ИУК FinFET транзистор ўтиш вольтампер характеристика тиклигига таъсири ва унинг канал ости оксид қатлами калинлиги T_{box} га боғлиқлиги моделлаштирилган. T_{box} нинг бутун ўзгариш соҳасида SS нинг қийматлари тўғри тўртбурчак кесимли канал шакли учун трапеция ва учбурчак кесимли шаклга нисбатан каттароқ қийматларга эга. SS канал бўйлаб исток билан сток орасидаги потенциал тақсимотига боғлиқ. Потенциал тақсимоти эса ўз навбатида турли паразит сиғимларга боғлиқ ва улар транзистор тизилмасининг геометрик ўлчамларининг ўзгариши қараб ўзгариши мумкин. Бунинг сабабини янада чуқурроқ ўрганиш учун каналдаги потенциал тақсимоти каналнинг турли шакллари учун ўрганилди. Натижалардан кўриниб турибдики, учбурчак кесимдан тўғри тўртбурчак шаклдаги кесимга ўтишда потенциал бутун ўрганилган соҳада сезиларли ортади, ва демак, затворда кучланиш ўзгариши, тўғри тўртбурчакли кесимда, каналдаги потенциалнинг каттароқ ўзгариш-ларига олиб келади. Бундай бўлишига сабаб затвор томонидан каналдаги ток транспорти учбурчак кўндаланаг кесимли ҳолда яхшироқ назорат қилинадиган бўлиши мумкин,

чунки учбурчак кесимда тўғри тўртбурчак кесимга нисбатан канал затвор билан самаралироқ қамралган бўлади.

Диссертацияда турли канал шаклидаги ИУК FinFET транзистор затворининг ён томонга кенгайиши W_{gext} нинг SS га таъсири моделлаштирилган. Натижалардан кўриниб турибдики, SS қиймати канал кўндаланг кесим шаклига боғлиқ. W_{gext} нинг бутун кўрилган соҳасида унинг энг кичик қиймати учбурчак шаклдаги кўндаланг кесим ҳоли учун ва энг катта қиймати тўғри тўртбурчак шаклдаги кўндаланг кесим учун кузатилади. Диссертация ишида затвор ости оксид қатламининг узунлиги ўзгариши L_{goxext} нинг вертикал майдоний ИУК FinFET транзистор ўтиш характеристикасига, жумладан, унинг бўсагадан паст ўтиш характеристикасини қиялигини белгилайдиган SS параметрга таъсири моделлаштириш орқали ўрганилди ва назарий таҳлил қилинди. МОЯ транзистор ўлчамларининг камайиши билан турли тақсимотлар флуктуацияларининг транзистор характеристикасига таъсири кучаяди. Хусусан наноўлчамли транзисторларда якка чегаравий нуқсон сток токининг ўзгаришига, яъни тасодикий телеграф шовқин (ТТШ) ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Буни ўрганиш мақсадида изолятор устида кремний технологияси асосида шакллантирилган турли канал шаклига эга бўлган ИУК FinFET транзистор каналининг затвор ости оксид билан чегараланган тепа сирти ва ён томон сирти марказидаги нуқсонда қамралган якка заряд томонидан индуцирланган ТТШ сигнал амплитудаси моделлаштирилган. Транзисторнинг икки турдаги канал шакллари, яъни тўғри тўртбурчак ва трапецеидал кўндаланг кесимли шакллар учун ТТШ сигнал амплитудасининг затвор кучланиши V_g нинг бўсага кучланиш V_{th} дан фарқи ($V_g - V_{th}$) га боғлиқлигини моделлаштириш натижалари 3-расмда келтирилган. Натижалардан кўринадики, канал юқори (3 а-расмда, берилган 1, 2) ва ён тамон (3а-расмда, берилган 3, 4) сирти ўртасидаги нуқсонларда қамралган бирлик заряд томонидан ҳосил қилинган ТТШ амплитудаси бўсағавий ва ундан кичик кучланишларда бўсагадан юқори кучланишлардагига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлар экан. Бундан ташқари тўғри тўртбурчак ва трапецеидалкўндаланг кесимларда ҳам якка зарядланган нуқсон канал ён сиртида қамралган ҳолда ТТШ сигнал амплитудаси юқорироқ бўлади. Бу канал кўндаланг кесимида максимал ток зичлиги соҳаси зарядланган нуқсонга трапецеидал кесимли ҳолда яқинроқ эканлиги билан боғлиқ (3а-расм кўшимчаси). Зарядланган нуқсон канал юқори сиртида жойлашганда эса ТТШ сигнал амплитудаси тўғри тўртбурчакли ҳолда юқорироқ бўлади. Бу иккита кесим ҳоллари учун канал-даги токнинг баландлик бўйича тақсимоти фарқи билан боғлиқ (3б-расм).



а)



б)

3-расм. Якка чегаравий заряд қамралган ҳолда ТТШ сигнал амплитудасининг затвордаги кучланишнинг бўсаға кучланишдан фарқиға боғланиши. (а) трапецеидал (1,4) ва тўғри тўртбурчак (2,3) кўндаланг кесимли транзистор канали юқори сиртининг (1,2) ва ён сиртининг (3,4) ўртасида. Қўшимча расмда канал кесимининг тўртбурчак шаклдан трапецеидал шаклга ўтишида якка заряднинг максимал ток зичликли соҳа А га яқинлашиши кўрсатилган. (б) Тўғрибурчакли (1) ва трапецеидал (2) кўндаланг кесимли канал учун ток зичлигининг канал ўртасида баландлик Н бўйича тақсимланиши.

ХУЛОСА

Нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги изоляцияланган затворли вертикал майдоний транзисторлар характеристикаларига, улардаги қисқа каналли эффектларга технологик флукутациялардан келиб чиқадиган транзистор ўлчамлари, шакли ўзгаришининг ва оксид - яримўтказгич чегараси ва оксид қатламида қамралган якка заряднинг таъсирини моделлаштириш ва назарий таҳлил қилиш бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Затвор узунлиги 25 нм бўлган FinFET транзисторининг канали турли шаклларда бўлган ҳоллар учун бўсағадан паст ўтиш вольтампер характеристикаси қиялиги SS ва DIBL эффекти моделлаштириш орқали биринчи бор тоққосланган ва канал кўндаланг кесими учбурчак шаклда бўлган транзистор учун SS ва DIBL эффект энг кичик эканлиги аниқланган. Бу учбурчак кесимли каналда бошқа шаклларга нисбатан каналдаги потенциал тақсимоти стокдаги кучланишга нисбатан затвордаги кучланиш томонидан кучлироқ бошқарилиши билан боғлиқ.

2. FinFET транзисторларда DIBL эффект канал шаклидан ташқари канал ости оксид қатламининг қалинлиги T_{box} га ҳам боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Энг кичик DIBL эффект канал кўндаланг кесими учбурчак шаклдаги транзистор учун кузатилган. DIBL эффектнинг бундай ўзгаришлари канал ости оксид қатлами қалинлигининг затвор ва исток орасидаги сиғимга таъсири билан боғлиқ.

3. Биринчи бор турли канал шаклига эга FinFET транзисторларда бўсаға кучланиши, SS ва DIBL эффектига затворнинг ён томонга кенгайиши W_{gext}

нинг таъсири моделлаштириш орқали ўрганилган. Затвор кенглигининг 10 нм гача қийматларида барча канал шакллари учун бўсаға кучланиши деярли ўзгармаслиги, SS ва DIBL эффекти эса W_{gext} ортиши билан секин ва чизиқли камайиб 10нм га етганда тахминан 10% гача камайиши кўрсатилган.

4. FinFET транзисторларида DIBL эффекти ва SS нинг затвор ости оксид қатлами затвордан ташқаридаги узунлиги L_{goxext} га боғлиқлиги биринчи марта ўрганилган. $L_{\text{goxext}} = 2$ нм гача қийматларда DIBL ва SS нинг камайиши ва ундан каттароқ қийматларда унинг ортиши аниқланган. DIBL ва SS нинг L_{goxext} га боғлиқлиги учта ўрганилган канал шакллари учун ҳам ўхшаш бўлиб, уларнинг энг кичик қийматлари канал кесими учбурчак шакли ва энг катта қийматлари тўртбурчак шакли учун кузатилиши аниқланган. DIBL ва SS нинг L_{goxext} га бундай боғлиқлиги затвор-исток боғланиш сиғимининг ўзгариши билан тушунтирилади.

5. FinFET транзистор канал ости оксид қатламининг қалинлиги T_{box} ортиши билан бўсағадан паст ўтиш характеристикасининг қиялиги SS ортиши ва катта қийматларида тўйинишга эришиши аниқланган. SSнинг бундай ўзгаришлари затвор-сток орасидаги сиғимнинг T_{box} га боғланиш қонуниятига мос тушиши билан тушунтирилган.

6. FinFET транзисторида тасодифий шовқин амплитудаси якка зарядланган нуқсоннинг транзисторнинг тўғри тўртбурчак шаклдаги канал тепасидаги оксид-яримўтказгич чегараси ўртасида қамралганда, трапеция шаклидаги кесимли канал учун эса каналнинг ён томони ўртасида оксид-яримўтказгич чегарасида қамралганда каттароқ бўлиши аниқланган.

7. Канал кесим шакли тўғри тўртбурчак ва трапеция бўлган FinFET транзисторларида ТТШ сигнал амплитудасининг канал бўйлаб канал тепа ва ён сиртининг ўртасида зарядланган чегаравий якка нуқсоннинг жойлашиш вазиятига боғлиқлиги моделлаштирилди. Максимал сигнал амплитудаси иккала канал шакли ва иккала сирт учун ҳам якка зарядланган нуқсон канал ўртасида жойлашганда кузатилиши аниқланган.

8. Транзисторнинг иккита кўндаланг кесим шакли учун ҳам, зарядланган якка нуқсоннинг канал тепаси ва ён сиртида канал бўйлаб жойлашиш вазияти истокдан сток томонга яқинлашиши билан, DIBL эффектининг камайиши ва SSнинг ортиши аниқланди. Ва якка заряднинг канал тепа ва ён сиртида қамралганда DIBL эффекти ва SS трапеция канал кесими шаклига нисбатан, тўғри тўртбурчак бўлган шаклдаги транзисторда юқорироқ эканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРО-
НИКИ НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА**

УРГЕНЧЕСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДИКАРИМОВ АЗАМАТ ЭГАМБЕРГАНОВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ
ФЛУКТУАЦИЙ НА ХАРАКТЕРИСТИКИ НАНОРАЗМЕРНОГО
ВЕРТИКАЛЬНОГО ПОЛЕВОГО ТРАНЗИСТОРА С
ИЗОЛИРОВАННЫМ ЗАТВОРОМ**

01.04.10 – «Физика полупроводников»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/FM120.

Докторская диссертация выполнена в Ургенческом государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ispm.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Юсупов Ахмед
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: Каримов Иброхим Набиевич
доктор физико-математических наук
Аюханов Рашид Ахмедович
доктор физико-математических наук

Ведущая организация: Академия Наук Республики Узбекистан
по Физико-Технический Институт

Защита диссертации состоится «27» май 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте Физики полупроводников и микроэлектроники Национального университета Узбекистана (Адрес: 100057, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел: (+99871) 248-79-94, факс (+99871) 248-79-92, e-mail: info@ispm.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Отделе внедрения информационных технологий института (зарегистрирована за № 24) по адресу: 100057, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел: (+99871) 248-79-59

Автореферат диссертации разослан «10» май 2021 г.
(реестр протокола рассылки № 24 от 10 май 2021 г.).



Ш. Б. Утамурадова,
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н., профессор

Ж. Ж. Хамдамов,
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, PhD

Т. Азаматов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире наноразмерные полевые транзисторы используются как один из основных элементов выполняющих функцию памяти в оборудовании и устройствах электронной техники и интегральных схемах. И сегодня требования предъявляемые к таким устройствам исходя из потребностей населения растут с каждым днём. И очень важными среди них являются повышение степени функциональности, быстродействия и энергосбережения.

В мире наряду с биполярными транзисторами проводятся исследования по существенному увеличению степень интеграции интегральных схем и существенному уменьшению их энергопотребления путем доведения размеров полевых транзисторов с изолированным затвором - МОП (металл-оксид-полупроводник) транзисторов до нанометровых масштабов. В связи с этим обращается особое внимание раскрытию причин влияния на характеристики транзистора различных деградиационных эффектов возникающих при уменьшении размеров до нанометровых масштабов, исследованию закономерностей влияния флуктуации геометрических размеров, случайных единичных дефектов на электрофизические параметры, характеристики и короткоканальные эффекты нанометровых МОП транзисторов (FinFET, Fin field-effect transistor).

В Республике Узбекистан по развитию науки, в частности физики полупроводниковых приборов и электроники планируются мероприятия стратегической государственной и экономической важности и уделяется большое внимание. В этом плане учеными республики достигаются важные результаты по получению новых полупроводниковых материалов, структур на их основе и влиянию различных воздействий на их характеристики. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы указаны задачи стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, развитие энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии. В этом аспекте важным является разработка новых материалов электронной техники и структур на их основе, стойких к различным воздействиям и эффективных методов контроля их параметров.

Данное диссертационное исследование в соответствующей степени способствует реализации задач, обозначенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4348 «О дополнительных мерах по созданию благоприятных условий для дальнейшего развития электротехнической промышленности и повышению инвестиционного и экспортного потенциала отрасли» от 30 мая 2019 года, ПП-3855 «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» от 14 июля 2018 года и ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук,

организаций, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: III. «Энергия, сбережение энергоресурсов, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники и электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. К настоящему времени почти все работы, посвященные изучению структуры и влияния технологических флуктуаций на параметры и характеристики вертикальных полевых транзисторов с изолированным затвором и деградиационных влияний короткоканальных эффектов, были ограничены исследованием зависимости короткоканальных эффектов от геометрии транзистора и электрофизических параметров от формы канала, но почти не были исследованы влияние размеров различных слоев и формы канала на короткоканальные эффекты. Японские ученые D.Hisamoto, T.Kaga, Y.Kawamoto и E.Takeda для достижения требуемых характеристик нанометровых транзисторов предложили вместо планарных транзисторов новые вертикальные полевые транзисторы с изолированным затвором. Однако в этих транзисторах из-за уменьшения геометрических размеров наблюдается увеличение разных паразитных емкостей. Для уменьшения паразитных емкостей между затвором и истоком, учеными США С. Auth и J. Markoff был предложен трехзатворный вертикальный полевой транзистор. A.G.Lougero и его сотрудники исследовали влияние технологических флуктуаций на параметры и характеристики, в частности на пороговое напряжение, открытый и закрытый ток стока полевых наноразмерных транзисторов. Российскими учеными Н.В.Масальским, Ю.А. Чаплыгиным, М.А. Королевым и другими исследовалось влияние материала затвора на пороговое напряжение и зависимость характеристик двухзатворного транзистора от структуры транзистора. Однако почти не исследовалось влияние формы канала, геометрических размеров разных частей и единичного заряда захваченного в диэлектрическом слое и на границе раздела диэлектрик-полупроводник на вольтамперные характеристики и короткоканальные эффекты вертикальных полевых трехзатворных транзисторов с изолированным затвором.

Учеными Узбекистана проводились исследования характеристик структур металла-диэлектрик-полупроводник и полевых транзисторов с изолированным затвором. Но в этих работах не рассматривались характеристики и параметры наноразмерных многозатворных полевых вертикальных транзисторов и влияние технологических флуктуаций, в частности формы канала, на эти характеристики и параметры.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где

выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научного проекта по фундаментальным исследованиям Ургенческого государственного университета ОТ-Ф2-67 «Новый подход к методу исследования природы и латерального распределения дефектов на границе диэлектрик-полупроводник» (2017-2020).

Целью исследования является определение: влияния технологических флуктуаций геометрических размеров на характеристики и короткоканальные эффекты, единичных заряженных дефектов в диэлектрическом слое или на границе диэлектрик-полупроводник на амплитуду случайных телеграфных шумов полевых вертикальных транзисторов на основе технологии кремний на изоляторе.

Задачи исследования:

сравнение электрофизических параметров таких, как ток стока в закрытом и открытом состояниях и пороговое напряжение вертикальных трехзатворных полевых транзисторов с изолированным затвором (FinFET, Fin field-effect transistor) с различной формой канала;

